



УЎТ: 632.51.

## ЗИҒИР (*Linum L*) ОРАСИДА УЧРАЙДИГАН БЕГОНА ЎТЛАР ВА ЗАРПЕЧАК (*CUSCUTA L.*)ГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

*Турдиева Нилуфар Мўминовна қ.х.ф.д., профессор*

*Қаландарова Мафтуна Мажитовна қ.х.ф.д.*

*Муртазаев Қобил Абдуқодирович қ.х.ф.н.*

*Ўролова Дилноза Чинтемировна илмий изланувчи*

**Аннотация.** Мақолада зиғир (*Linum L*) нинг аҳамияти, орасида учрайдиган бегона ўтлар ва каратиндаги паразит ўт зарпечак (*Cuscuta L.*)нинг тарқалиши, зарар еткизиши тўғрисида бўлиб, тупроқ гербицидларининг самараси ўрганилган.

**Абстрактный.** В статье рассмотрено значение льна (*Linum L.*), распространение и повреждение сорняков и осоки-паразита (*Cuscuta L.*) в кератине, эффективность почвенных гербицидов.

**Abstract.** The article discusses the importance of flax (*Linum L.*), the spread and damage of weeds and parasitic sedge (*Cuscuta L.*) in keratin, and the effectiveness of soil herbicides.

**Калит сўзлар:** карантиндаги, гербицид, бегона ўт, зарпечак, паразит, тупроқ, зиғир, препарат.

Зиғир толаси юқори технологик хусусиятлари: мустахкамлиги, пишиқлиги билан фарқ қилади. Унинг толасидан тайёрланган дастурхонлар, сочиқлар ўзининг пишиқлиги ва чиройлилиги билан ажралиб туради. Зиғир чиқитлари (калта тола ва бошқалар) дан ўраш учун ишлатиладиган маҳсулот тайёрланади. Зиғир мойи тез қурийдиган мойлар гуруҳига киради ва у айникса, лакбуёқ саноатида қимматли хом ашё ҳисобланади. Зиғир мойи алифмой, босмахона буёқлари, совун ва бошқа нарсалар ишлаб чиқаришда ҳамда озик - овқатда ишлатилади.

Зиғир кунжараси моллар, айникса, ёш моллар учун 2 қимматли ва тўйимли озик ҳисобланади. Зиғир кунжарасининг таркибида 30- 36% гача оксил, 8,6% гача мой ва бошқа озукалар бор. Зиғир толаси қоғоз саноати учун ишлатилади. Уруғининг таркибида мой миқдори ўртача 42 - 44 % бўлиб, яхшиланган навларда мой миқдори 47 - 50 % га етади. Зиғирдан қимматбаҳо



бўёк, лак, линолеум, ҳимоя воситалари ишлаб чиқаришда, балиқ ва сабзавот маҳсулотларини қадоклашда фойдаланилади. Зиғир уруғидан инсон ва ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларини даволайдиган қайнатма тайёрланади.

Тананинг куйган жойини даволашда ҳам зиғир мойи ишлатилади. Кўриш қобилияти сусайган инсонлар зиғир мойини истеъмол қилса, яхши самара беради. Майдаланиб қайнатилган зиғир уруғидан бузоқлар учун сунъий сут тайёрланади. Зиғир кунжараси таркибида 33 % оқсил, 6-8 % мой, 9 % клетчатка, 31 % азотсиз экстрактив моддалар ва 6 % кул моддаси мавжуд. Соғин сигирлар зиғир кунжараси билан боқилганида сути кўпаяди ва сер -ёғлиги ошади. Поясидан тола чиқит микдори 10 - 13 % ни ташкил қилади. Зиғир поясидан ип, пилик арқон тайёрланади ва дағал мато тўқилади. Чет мамлакатларда зиғир похolidан қимматбаҳо қоғоз, қурилишбоп картон ва махсус зичланган плиталар тайёрлашда ва халқ хўжалигида кенг фойдаланилади.

Шунга қарамасдан зиғир орасида турли хил бегона ўтлар ўсади айниқса карантиндаги паразит бегона ўт бўлган зарпечак жуда катта зарар етказилади. Шунинг учун унга қарши курашиш чораларини олиб бориш муҳимдир.

Зарпечак илдиз тизимига эга эмас, у асосан уруғи ва вегетатив поялари орқали кўпаяди. Шу сабабли зарпечакка қарши курашда унинг уруғлари пишиб етилишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун зарпечак билан зарарланган майдонларга бир неча йил давомида мойли экинлар ва зарпечакка мойил бўлган экинларни экмаслик лозим бўлади. Уларнинг олдини олиш учун зарпечак билан зарарламайдиган экинларни бу майдонларга кейинги 5-6 йилдан кейин экиш тавсия этилади. Бунга қуйидагилар киради: жўхори, буғдой, кунгабоқар, бодринг, тарвуз, қовун, қовоқ, ошқовоқ ва бошқалар.

Зиғир экинини экиш билан бирга бир ва кўп йиллик бошоқли ва икки паллали бегона ўтларга ва зарпечакка қарши Супер канкор 70% н.кук. 0,5 ва 0,75 л/га суюқ эритмасини ҳар гектарига 300 л/га сувга аралаштириб ёппасига пуркалди. Супер канкор 70% н.кук. суюқ эритмасини таъсирчанлиги 87,28 % ни ташкил этди. Бир йиллик икки паллали ғалласимон ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши кўрсатган биринчи белгиси асосан бегона ўтлар 5-7 кундан кейин наваларига шимилиб ранги сарғаяди, кўп йиллик бегона ўтлардан айниқса кўй печакка тез таъсир этди. Зарпечак паразит бегона ўтига ҳам таъсир кўрсатди.



Супер канкор 70% н.кук. препарати эритмасини ҳар гектарига 0,5 л дан 300 л/сுவга аралаштириб ёппасига пуркалганда: ўртачаси 15 кундан сўнг бегона ўтларга 0,71 дона/м<sup>2</sup> – 86,67%, 30 кундан кейин 0,72 дона/м<sup>2</sup> – 87,10%, 60 кундан кейин 0,70 дона/м<sup>2</sup> – 87,32% самара кўрсатди.

Супер канкор 70% н.кук. 0,75 л/га препарати зарпечакка қарши самарадорлиги 15- кундан сўнг ўртача 0,68 дона/м<sup>2</sup> – 87,28%, 30 кундан кейин 0,68 дона/м<sup>2</sup> – 87,71%, 60 кундан кейин 0,65 дона/м<sup>2</sup> – 88,25% самара кўрсатди (1-жадвал).

Назорат вариантыдаги бегона ўтлар яхши ўсди, ривожланди гуллади ва уруғ берди. Биобарин келгуси йилда шу бегона ўтларнинг тур миқдорларини кўпайишига имконият яратилди. Зарпечак билан зарарланган ўсимликни қутқаришни иложи йўқ, фақатгина шу ўсимлик билан кўшиб йўқотиш мумкин.

### 1-жадвал

#### Зигирга тупроқ гербицид қўллаш орқали зарпечак тарқалишишини камайтириш 2023 й.

№	Бегона ўтларнинг номлари	Гербицид сепилмаган да, дона/м <sup>2</sup>	Назорат гербицид сиз, дона/м <sup>2</sup>	Зенгор 70% н.кук.0,5 л/га		Супер канкор 70% н.кук. 0,5 л/га		Супер канкор 70% н.кук. 0,5 л/га Зарпечакка таъсири	
				дона/м <sup>2</sup>	%	дона/м <sup>2</sup>	%	дона/м <sup>2</sup>	%
15 кундан кейин									
1	Шўра	4,1	5,23	0,71	86,42	0,66	87,38	0,62	88,15
2	Олабута	3,6	5,48	0,76	86,13	0,74	86,50	0,71	87,04
3	Эспарцет	3,1	5,85	0,8	86,32	0,71	87,86	0,68	88,38
4	Клевер	4,7	5,46	0,76	86,08	0,73	86,63	0,7	87,18
5	Ёввойи нўхат	4,8	5,48	0,8	85,40	0,74	86,50	0,69	87,41
6	Янтоқ	3,1	5,61	0,75	86,63	0,73	86,99	0,71	87,34
7	Ёввойи сули	3,8	4,4	0,75	82,95	0,69	84,32	0,66	85,00
	Ўртача	3,89	5,36	0,76	85,79	0,71	86,67	0,68	87,28
30 кундан кейин									
1	Шўра	4,3	5,39	0,79	85,34	0,73	86,46	0,71	86,83
2	Олабута	3,1	5,54	0,8	85,56	0,74	86,64	0,68	87,73
3	Эспарцет	2,2	5,64	0,76	86,52	0,72	87,23	0,7	87,59
4	Клевер	5,1	5,61	0,75	86,63	0,73	86,99	0,69	87,70
5	Ёввойи нўхат	4,3	5,63	0,73	87,03	0,74	86,86	0,69	87,74
6	Янтоқ	3,2	5,55	0,76	86,31	0,65	88,29	0,67	87,93
7	Ёввойи сули	4,3	5,63	0,74	86,86	0,72	87,21	0,65	88,45



10	Ўртача	3,79	5,57	0,76	86,33	0,72	87,10	0,68	87,71
60 кундан кейин									
1	Шўра	4,2	5,42	0,71	86,90	0,7	87,08	0,67	87,64
2	Олабута	3,4	5,38	0,7	86,99	0,69	87,17	0,66	87,73
3	Эспарцет	2,9	5,57	0,71	87,25	0,72	87,07	0,64	88,51
4	Клевер	4,6	5,61	0,72	87,17	0,67	88,06	0,64	88,59
5	Ёввойи нўхат	4,8	5,63	0,74	86,86	0,72	87,21	0,66	88,28
6	Янтоқ	3,3	5,65	0,74	86,90	0,7	87,61	0,64	88,67
7	Ёввойи сули	3,4	5,61	0,73	86,99	0,73	86,99	0,65	88,41
	Ўртача	4,00	5,55	0,72	87,01	0,70	87,32	0,65	88,27
	Ўртача 3 йиллик	3,89	5,49	0,75	86,38	0,71	87,03	0,67	87,76

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки бегона ўтлар уруғлари кўп бўлган айниқса янтоқ кўп бўлган ерларда зарпечак ҳам кўп тарқалган. Демак зиғир экини орасида учрайдиган бошқа бегона ўтларга илашиб ўсиб, зарпечак паразит бегона ўтининг тарқалишига боғлиқлиги кузатилди. Барча бегона ўтлар ва зарпечак уруғлари ҳам тупроқда сақланади. Шунинг учун биринчи навбатда тупроқни тозалаш ва тупроқ гербицидларидан фойдаланиш лозим. Зарпечакда барглар ва илдизлар бўлмайди. Улар ўзларининг гаустори сўрғичлари ёрдамида ўсимликларнинг шарбатини сўриб олади. Хўжайин ўсимликдан уни ажратиб олишни иложи бўлмайди. Шунинг учун уларни кўпайишини олдини олиш муҳимдир. Бегона ўтларнинг юқоридаги турлари кўпайиб кетганда зарпечак ўсиб ривожланишига юқори даражада қулай шароит бўлганлиги кузатилди. Шунинг учун бегона ўтларни миқдорини камайтириш орқали ҳам зарпечак кенг тарқалишини нисбатан камайтириш мумкинлиги кузатилди. Зиғир экинини экиш билан бирга ва ўсув даврида бегона ўтларга қарши гербицидлар қўлланилганда зарпечак бегона ўти ҳам нобуд бўлиши кузатилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари – Тошкент, 2007. 147 б.
2. Доспехов Б.А. “Методика полевого опыта”, Москва. “Колос” -1985.– С.415–418.
3. Turdieva N. and others Biological Efficiency Of Herbicide (Elymis) Against Weeds In Crops Corn. International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS) ISSN: 2643-640X Vol. 5 Issue 3, March - 2021, Pages: 179-182.